

## ЭЛИЗАБЕР ВИЖЕ-ЛЕБРЁН – МАФТУНКОР ПОРТРЕТЧИ МУСАВВИРА

Одилова Сайёра Джавдатовна

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети,  
Саноат дизайнни кафедраси асистенти

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада рассомнинг ҳаёти ва ижодини ёрқин тимсолда кўрсатиб берилган асарларининг номлари ишилаётган йўналиши акс этириб берилган.*

*Калим сўзлар:* жанр, автопортрет, портрет.

### ABSTRACT

*In the article, the artist's life and work are vividly shown, and the names of his works reflect the direction in which he works.*

*Key words:* genre, self-portrait, portrait.

### КИРИШ

Фарбий-Европа санъатини ривожланиши Италия, Голландия, Франция, Англия каби кўплаб давлат мактабларининг ўрни катта. Дунё санъати тарихида қадимдан инсон қўли билан яратилган асорий атиқалар, санъат асарлари билан ёрқин из қолдирғанлигига амин бўламиз. Ўзининг бетакрор асарлари билан Францияда яшаб портрет жанри санъатида катта из қолдирған буюк рассома Элизабер Виже-Лебрёндир. (тўлиқ исми Мари-Элизабет-Луиза Виже-Лебрен.) Бу рассом аёл Франция қироллиги оиласига мансуб бўлиб, 1755 йил 16 апрелда туғилган. У ўз умрини портретлар ишлиш учун бағишлади. Мари-Элизабет расм чизишни отаси рассом Луи Вижедан ўрганди. Отасининг ўлимидан сўнг, 1769 йилда оиласининг қадрдон дўсти Франсуа Дуайена устахонасида санъат сирларини ўрганиши давом эттирди. Мари-Элизабет акасининг маслаҳати билан 1769 йилда рассом Габриэля Бриара устахонасида маҳоратини янада оширди. У қироллик академияси рангтасвир уюшмасига аъзо бўлиш билан бирга Луврда ўз устахонасига эга бўлди. У ерда дунёга машхур рассомлар Жан-Батист Грёз и Жозеф Вернелар билан танишди ва уларнинг қимматли маслаҳатларини эшитди.

### МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Унинг чизган портретлари сарой қироличаларини ўзига мафтун эта бошлади. 1770 йилда Виже-Лебрен оиласи Париждаги Пале –Рояль саройи қаршидаги Сент-ОНоре кўчасида яшай бошлади. Бундан хабар топган сарой аёнлари 15 ёшли рассомга буюртмалар бера бошлади. Буюртмаларни кўпроқ икки бой бадавлат инсонлардан хоним де Верден ва шаҳзода Марии-

Аделаидлар берар әдилар. Виже-Лебрен портрет ишлаш вақтларида буюртмачилар билан қўпроқ мулоқот қиласар, бу эса портретни жонлироқ чиқишига сабаб бўларди. Рассом ҳаётда ўз ўрни фақат Француз қироллигидаги аристакратлар даврасида эканлигидан фахрланар ва қирол Людовик XVI оила аъзоларининг портретларини чизар әди. Виже-Лебрен 1776 йилда рассом ва санъат асарлари савдогари Жан-Батиста Лебренага турмушга чиқди ва улар бир умр ижодий ҳамкорлиқда яшадилар. У аста-секин кўзга кўринган машҳур инсонлардан қирол ва унинг оила аъзоларининг портретларини ишлай бошлади. Қироллик оиласидан бўлмиш Мария-Антуанетта рассомнинг асарларини юқори баҳолади ва унга кўплаб буюртмалар бера бошлади. 1780 йил Виже-Лебрен турмуш ўртоғи билан Европа давлатларига сафар қилди, у ерда кўплаб давлат арбоблари ва кўзга кўринга машҳур инсонлар портретларини чизди. Голландия қироли Виллемани, 1795-1799 йиллар Россия улуғ княгинаси Анна Фёдоровна (улуг княз Константина Павловичнинг турмуш ўртоғи) ва Польякларни охирги қироли Станислава Понятовскаяни ва бошқа императорларнинг оила аъзолари портретларини ишлади. Шу билан 1783 йилда Виже-Лебрен Франция қироллигининг рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқ бадиий академияси аъзоси этиб танланган. Виже-Лебрен 1814 йилда Наполеон Бонопартнинг таклифига биноан Францияга қайтди ва унинг бир қанча портретини ишлади. Ўша даврда бўлиб турган уруш рассом ижодига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Виже-Лебрен ўзининг юксак маҳорати билан ниҳоятда кўплаб асарлар яратди. Рассом айтишига қараганда, олти юз олтмиш иккита портрет ва икки юзга яқин манзара ишлаганлиги маълум бўлди. Унинг ишлаш услуби бошқа рассомларнинг асарларидан аниқлиги ва ранглар гаммасининг бойлиги билан мутлоқ ажralиб турган. Виже-Лебрен ҳаётида кўплаб автопортретлар ишлади. Унинг ҳар бир портретида новаторлик, изланачувланлик сезилиб туради. Рассом ижодида ноклассизм услубида ишлаганлигига қарамай, Франция тасвирий санъатида ниҳоятда машҳур мусаввирлардан бири бўлган. Унинг чизган расмларида романтизмнинг тўлиқ қўриниши, ҳар бир портретдаги инсон сиймосини тўлиқ очиб берганлиги, суратлардаги тарихий костюмлар маҳорат билан ишланганлиги ва аёл мусаввир сифатида ҳар бир детални маҳорат билан ҳаётга боғлаб бераолганлигини қўришимиз мумкин. Виже-Лебрен ҳаётида доим қувонарли муффакиятлар билан яшаган. Франциянинг машҳур рассомларидан Жан-Батиста Грёз асарларидан доим нусхалар қўчирди, маҳоратини ошириб борди. Афсус Франциядаги революция сабаб ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлди ва 1795-1801 йиллар Россияда яшаб, ижод қилди. Виже-Лебрен рассом сифатида Санкт-Петербургда ҳам кўплаб янги портрет асарлар яратиб

дунё хазинасига катта ҳисса қўшди. Франциянинг машхур рассом аёли Элизабет Виже-Лебрён 1842 йил 30 март куни 86 ёшида Франциянинг Париж шаҳрида вафот этди. У ўлимидан олдин Петербург император Академиясининг рангтасвир мактабидаги талантли ёш рассомларга ҳар йили олтин медал билан тақдирлашни васият қилиб қолдирган. Шуни хурсандчилик ва манмуният билан айтиш керакки, унинг васиятлари ҳозирги кунларда Россия Бадиий академиясида амалга оширилиб келинмоқда.



Автопортрет. Мато, мойбўёқ. 1782 й.  
Лондондаги миллий галерея.



Марии Антуанетти портрети. 1783 й. Мато,  
мойбўёқ.  
Вольфсгартен саройи. Гессен.



Автопортрет. 1790 й. Мато, мойбўёқ.  
Уфици галереяси. Флоренция.



Граф Эммануил Николаевич Толстой  
портрети.  
Мато, мойбўёқ. 1823й.



Этьена Виже  
портрети. (рассом акаси)  
1773 й. Мато, мойбүёк.  
Сент-Луис санъат  
музей. АҚШ.



Граф Иван Иванович  
Шувалов портрети. 1797 й.  
Мато, мойбүёк.  
Шимолий Каролина  
санъат музейи. Роли шахри.



Княз Иван Иванович  
Барятинский портрети. 1800 й.  
Мато, мойбүёк.  
ДТГ. Москва шахри.



Княгина Александра  
Голицыной ўғли Петр  
билан.  
Мато, мойбүёк. 1794 й.  
Пушкин музейи. Москва  
шахри.



Княгина Голицыной  
портрети. Мато, мойбүёк.  
1798 й.



Пелагея Сапога  
портрети. 1794 й. Мато,  
мойбүёк.  
Варшавадаги қирол  
қасри.

## REFERENCES

1. С. Макфола. Виже Лебренъ. Книгоиздательство Ю. И. Лепковского. 1909 г.
2. Абрамкин, И. А. (2022). Жизненный путь Э. Виже-Лебрен как характерный пример биографии художника на рубеже XVIII–XIX веков. *Актуальные проблемы теории и истории искусства: сб. науч. статей*, (8), 215-221.
3. С. В. Мальцевой, Е. Ю. Станюкович-Денисовой, А. В. Захаровой. – Пб.: Изд-во СПбГУ, 2018. С. 215–221. ISSN 2312–2129.
4. Одилова, С. Д. (2022). ЭТНОГРАФИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ СРЕДНЕЙ АЗИИ: СЕМАНТИКА ДЕКОРАТИВНОГО ОРНАМЕНТА. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(1), 172-176.
5. Кожина Е. Ф. Искусство Франции XVIII века. Л.: Искусство, 1971. – С. 157–158
6. Кожина Е. Ф. Искусство Франции XVIII века. – С. 158
7. Власов В. Г. Виже-Лебрён, Элизабет-Луиз // Стили в искусстве. В 3-х т. – СПб.: Кольна. Т. 2. – Словарь имён, 1996. – С. 198